



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 19 сентябрь, № 184 (4594)

Жума

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 12 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **165-модда** билан тўлдирилсин:

«165-модда. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш

Лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «166, 167, 169, 170-моддалари» деган сўзлар «165, 166, 167, 169, 170-моддалари» деган сўзлар билан, «176-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлар эса «176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 18 сентябрь
№ УРҚ — 180

САНОАТ РИВОЖИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ



ЖАР
АЕН

Мамлакатимизда чет эл сармоядорларининг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бугун мана шундай қўлай инвестицион муҳитдан фойдаланиб, юқори кўрсаткичларга эришайётган корхоналар юртимизда кўпайиб кетди. Шунлардан бири пойтахтимиздаги «Alkim Textile» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонадир.

Айни пайтда 600 киши меҳнат қилаётган бу корхонада ўндан ортқ турдаги болалар либослари, эркак ва аёллар ички кийимлари, гул босилган мато ҳамда трикотаж мато ишлаб чиқарилимоқда. Ана шу маҳсулотлар ҳар жиҳатдан сифатли ва бежирим бўлгани боис уларга нафақат ички

саначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармондан келиб чиқиб, корхона касаначилар меҳнатидан ҳам унумли фойдаланимоқда. Хусусан, ҳозир 30 нафардан ортқ касаначи «Alkim Textile» буюртмасини бажариш орқали яшашига даромад кўраятти ва шу орқали рўзгорига барака қиритаяпти.

СУРАТДА: корхона ҳаётидан лавҳа.

Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Пойтахтимизда мактабларнинг сэйсмик мустаҳкамлигини таъминлаш масалаларига бағишланган Марказий Осиё минтақавий конференцияси бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон тураржой ва жомат биноларини намунавий ҳақда тажрибавий лойиҳалаштириш илмий тадқиқот ва лойиҳа институти, БМТнинг Минтақавий тараққиёт маркази — UNCRD ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда юртимиздаги турли вазирилик ва идоралар, муассасалар, қурилиш ташкилотлари вакиллари, шунингдек, Марказий Осиё минтақаси мамла-

катларидан соҳа мутахассислари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ўринбосари

А. Тўхтаев, халқ таълими вазири Ф. Шоумаров, фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари Х. Абдулазизов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўсиб келаётган навиқрон авлод қамолоти ва

Ислоҳот

истикболи йўлида ғамхўрлик кўрсатиш масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаёт-

га кенг татбиқ этилаётган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурига қўра, жаҳон андозалари даражасидаги қўракам ва замонавий умумтаълим мактабларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш баробарида, биноларнинг меъморий ва сэйсмик жиҳатдан хавфсизлигини, техник мукамаллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

(Давоми 2-бетда).

МАҚСАД — МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Кеча пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига ихтисослаштирилган «Химия линияси — 2008» халқаро кўرғазмаси иш бошлади.

Мамлакатимизда мушаккиллик йилларида бошқа соҳалар каби муҳофазат тизимига алоҳида эътибор қаратилаёттир. Иқтисодиёт тармоқлари энг замонавий химия воситалари билан бошқичма-бошқич таъминланмоқда. Эътиборлиси, бугунги кунда бундай жиҳоз ҳамда ускуналарнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилапти. «Proofline» ҳамда «Systemservis» компаниялари маҳсулотлари шулар сирасига қиради. Ушбу корхоналарда тайёрланган махсус кийим-кечак, пойабзал ҳамда шахсий химия воситалари ўзининг юқори сифати билан жаҳон андозаларига тўла жавоб беради. Бу ҳақда кўрғазмаимиз очилиш маросимини даволатимиздаги алоҳида таъкидланди. Соҳа мутахассисларининг айтишича, ушбу кўрғазма тизим корхоналари учун ўзаро тажриба алмашиш, янги ҳамкорлар топишда катта аҳамиятга эга.

Халқаро кўрғазма Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирилик, Ўзбекистон хавфсизлиги бош бошқармаси, «Ўзбекнефтгаз», «Ўзкимёсаноат», «Ўзуқурилишматериаллари», «Ўзавтосаноат» компаниялари ва бошқа тегйишли ташкилотлар кўмагида ташкил этилди. Унда Германия, АҚШ, Бельгия, Франция, Тайвань сингари бир қатор давлатларнинг 10 дан ортқ фирма ва компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Кўрғазма мавзу жиҳатидан илк бор ташкил этилгани боис унга қизиқувчилар низоҳатда кўп.

Павильонларни айланар экансиз, унда техник муҳофазат ускуналари ва жиҳозлари, махсус кийим-кечаклар, шахсий ва тиббий химия воситалари, ҳуллас, барча турдаги химия маҳсулотлари жой олганига амин бўласиз. Тақлиф қилувчи



компания вакиллари улар ҳақида батафсил маълумот беради. Хоҳласангиз, ишлаб чиқариш жараёни акс эттирилган ҳужжатли фильмни томоша қилишингиз мумкин. Эътиборимизни Германиянинг «Dräger» компанияси маҳсулотлари тортди.

— Ўзбекистонни ҳамдўстлик давлатлари ичиде асосий ҳамкорларимиздан бири, деб биламиз, — дейди «Dräger» компаниясининг МДХ мамлакатлари бўйича савдо раҳбари Мюлши Михаэль. — Ўн йиллик ҳамкорлигимиз натижалари кўрсатаётгани, юртингиз бозорига бизнинг маҳсулотларимизга талаб юқори. Кўрғазма бу борадаги алоқаларни янги бошқича олиб чиқишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Кеча кўрғазма доирасида саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасида, шунингдек, фавқулодда вазиятларда тажриба алмашиш бўйича халқаро форум бўлиб ўтди. Кўрғазма бугун ҳам давом этади.

Санд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» биносига «O'ZBEKINPrint» ҳамда «O'ZUPAK» матбаа маҳсулотлари ўнинчи халқаро кўрғазмалари давом этмоқда. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилик, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Савдо ваколатхонаси ҳамда «Пол-Рос» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ўнга яқин давлатдан вакиллар иштирок этмоқда.

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

Хусусан, Ўзбекистон, Россия, Жанубий Корея, Япония, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатларнинг саксондан зиёд фирмалари ва компаниялари томонидан тақлиф этилаётган маҳсулотлар, хизмат турлари

бу ерга ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, «Давлат Белгиси», «Heidelberg», «Ям Интернейшнл Ташкент», «Рута Принт», «Корус», «Полиграф-спектр» (Россия), «Колор-флекс» (Буюк Британия),

«Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Фафур Фулом, Чўлпон номиндаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Мазнавият» нашриёти, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, «Office trading» масъулияти чекланган жамияти сингари муассасалар фаолияти юқори баҳрланмоқда.

Кўрғазмаларда матбаачиликнинг йўналишларига оид алоҳида бўлимлар ташкил этилган. Жумладан, бу ерда компьютер технологиялари, босма маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган асоб-ускуналар, муҳовалаш ва ёрликлар тайёрлаш жиҳозлари, хизмат кўрсатиш, реклама ва шу сингари йўналишдаги бўлимлар фаолияти ҳақида муфассал маълумот олиш мумкин.

Шавкат ОРИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Қ. Р. Бердиевни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Қобул Раимович Бердиев Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тасдиқлансин ва шу муносабат билан у мудофаа вазирининг ўринбосари — Жануби-ғарбий алоҳида ҳарбий округи қўшинлари қўмондони вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 17 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Р. Э. Мирзаевни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида

Руслан Эркинвич Мирзаев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 17 сентябрь

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази билан биргаликда ташкил этилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлишининг кафолатлари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б. Мирзобоев бошқарган семинарда Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ҳамда халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган Конституциямизда белгиланган меъёрларнинг амалда ўз ифодасини топаётгани мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда муҳим омили бўлаётгани таъкидланди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий замини ҳам, аввало, Конституциядир.

Конституциямизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадриятлари ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътибор этилган.

Бу тэмойиллар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ҳам асосини таш-

кил этади. Жорий йилда жаҳон жамоатчилиги мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганнинг олтинчи йиллигини кенг нишонлайди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 майда эълон қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонда белгиланган вазифалар изчиллик билан амалда татбиқ этилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини қўллашга қаратилган ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Тадбирда фуқароларнинг сэйсий ҳуқуқларининг амалга оширилиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ва илмий институтлар тизими ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ОЛТИН МЕДАЛЛАР ҲАМЮРТЛАРИМИЗДА

Айни кунларда пойтахтимизда Халқаро таэквондо федерацияси (ITF) йўналиши бўйича Ёшлар ўртасида саккизинчи ва фахрийлар ўртасида учинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Турнирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Халқаро таэквондо федерацияси президенти Чанг Унг юртингизда бундай йирик мусобақаларни ўтказиш борасида катта тақрир ва имкониятлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон нифузали мусобақаларга мезбонлик қилиш борасида жаҳон спорт саноати жадал кириб борапти, — деди у жумладан. — Бу юртингизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасидир. Бугунги кунда ўзбек спортчиларини дунё танийди ва тан олади. Мен Тошкентда ташкиллаштирилган

мазкур мусобақанинг юқори савияда ўтишига ишонман. Маросимда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигини да мамлакатимизда спортга эътибор


давлат сиёсати даражасига кўтарилганини қайд этишди. Зеро, бугун республикамизнинг даярли барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари бунёд этилиб, Ёшлар иштирокига берилган. Уларда машғулотлар ўтказиладиган минг-минглаб ўғил-қизлар ўзлари ёқтирган спорт турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда.

(Давоми 4-бетда).

ЖАҲОН 24 соат ичида
Портлаш рўй берди

Афғонистон шарқида портлаш рўй берди. Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Кучли портловчи қурилманинг ҳаракатда келтирилиши натижасида бир нафар тинч аҳоли вакили ва АҚШ Қуролли қучларининг тўрт аскари ҳалок бўлган.

Носозлик сабаб «Bloomberg» ахборот агентлиги хабариди айтилишича, Япониянинг Фукуока префектурасида жойлашган «Toyota Motor» заводида портлаш юз берган.



Нефть терминалига хуруж

Нигер дарёси бўйидаги «Shell» компаниясига тегишли нефть терминалига жангарилар томонидан ҳужум уюштирилди. Бу ҳақда «Reuters» ахбороти тарқатган. Сўнгги вақтларда «Shell» объектларига босқинчилар тарафидан кетма-кет зарар етказилмоқда.

Аукциондаги рекорд

Лондон шаҳрида расом Дэмиен Херст асарлари аукцион аяқланди. Савдолар унинг ижод намуналари 111 миллион АҚШ долларига сотилди. «Sky News»да келтирилишича, «Sotheby's» аукционда бир расом асарларининг шунча баҳога сотилиши рекорд кўрсаткичи ҳисобланади.

Кўпоровчилик ҳаракати

Индонезиянинг Ачех музофотидаги «Ачех партияси» биносига номаълум шахс томонидан граната улоқтирилган. Бу ҳақда «Reuters» ахборотида келтириб ўтилган. Партия вакилларидан бирининг айтишича, бундан факатгина офис талафот кўрган.

Жиноят йўли тўсилди


АҚШ Ҳарбий денгиз кучлари Коста-Рика қирғоқларида 6,6 тонна кокаин моддаси юклаган субмарина (сув ости кемаси)ни қўлга туширишга муваффақ бўлди. Бу ҳақда хавфсизлик ишлари бўйича вазир Жакина дель Вечю маълум қилди.

«МЕҲРЛИ САВДО» шўъба корхонаси 2008 йилнинг IV чорадаги куйдагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади: САРИЁ, I-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ

Машина туйқус чагга бурилди-ю, кенг-равон йўл бўйлаб олға елиб кетди. Ям-яшил денгиздек чайқалиб ётган гўза пайкаллари, дарахтзорлар бир зумда ортада қолди. Қаршимизда сап-сарик дала-дашт лайд бўлди. Бепойн Фузор дашти! У ризк-насиба улашишга шайланган ўзбек аёлининг супрасидек ястаниб ётарди. Офтоб нақ тепадан олов пурқайди. Теварақда тирик жон кўринмайди. Лекин шундай овлоқ, кимсасиз дала-дашти қоқ кесиб ўтган қоп-қора тасмадек йўл бизни ажаблантирарди. Кенг ва равон, дунё андозаларига мос, замонавий, ҳатто баъзи бир катта шахарларнинг катта кўчалари ҳам бу дашт йўли олдиде уялиб қолади. Кимлар, қачон қурган бу йўлни?

ОТАШЗАМИН ЭҲТИРОМИ

— Бундан ўн беш-йигирма йил илгари бу ерларда машина тугул ашқ ҳам юролмади, — дейди Фузор тумани ҳокимлигининг масъул ходими Акмал Абдурахмонов. — Чанг-тупроқ қуоғига фарқ бўлиб кетарди. Бу йўл сўнгги ўн йил ичида солинди. Акмал ака шундай деди-ю, сирли жилмайди, сўнг охишта қўшиб қўйди: — Бу дашт мўъжизасининг бошланиши, холос, ҳали ҳаммаси олдиде. Ҳа, чиндан ҳам, ҳаммаси ҳали олдиде экан. Тагин ўттиз-қирқ дақиқа йўл юрилган, «Тутяуёқ» деб аталувчи кир устига чиқдиғу хайратдан лол қолди. Шундоқки қаршимизда, кенг-мўл яланғида гўёки улкан бир шаҳарнинг мўъжиз бир бўлиги ястаниб ётарди.



«Мажмуа менинг фахрим, менинг виждоним» деган ёзувга кўзимиз тушди. — Бу — бизнинг ширимиз, — дейди мажмуа маънавият ишлари бўйича масъул етакчиси Махид Рашидов. — Тугрироғи, юрак сўзларимизни шундай оддийгина ифодаб қўйибмиз. Юрак сўзлари! У фақатгина ёзувда эмас, бутун амалий иш жараёнида ҳам жарағлаб турибди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўлами ва сифатининг кун сайин ошиб бораётгани, «Шўртан» газ-кимё мажмуасининг довуғи дунёга таралаётгани худди шундан дарак. Агар рақамларга кўз ташлайдиган бўлсак, фақат ифтихор билан «тасанно» деймиз. Ушбу йилнинг биринчи ярмида мажмуада 1 млрд. 879 млн. 42 минг метр куб хом ашё гази қайта ишланиб, 1 млрд. 594 млн. 342 минг метр куб товар газ, 52 минг 422 тонна суёландиган газ, 46 минг 217 тонна газ конденсати, 62 минг 953 тонна полиэтилен маҳсулотлари, 778 тонна олтингургит, 700,754 км. узунликдаги полиэтилен қувурлари ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич режада белгиланганидан анча юқори. Агар буни пулга чақиб ҳисоблайдиган бўлсак, ушбу ярим йилликда 118 млрд. 562 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шунингдек, 46,3 млн. АҚШ доллари қийматдаги полиэтилен маҳсулотлари экспорт қилинган. Умумий маҳсулот сотишдан тушган даромад 149 млрд. 485 млн. сўми ташкил этади. «Шўртан» газ-кимё мажмуаси мустақил республикамизнинг тўнғич, айни пайтда эндигина етти баҳорни қаршилаган навқирон санат корхоналари-

дан биридир. Бу ерда меҳнат қилаётган уч мингга яқин ишчи-хизматчиларнинг қарийб тўқсон фоизини ёшлар ташкил этади. Бу тасодиф эмас. Оқилона олиб борилаётган бошқарув сиёсатининг амалдаги кўринишидир. — Муҳтарам Президентимиз биз, ёшларга ишонч билдириб, кенг имкониятлар яратиб бермоқда, — дейди мажмуанинг техника хавфсизлиги муҳандиси Бахтиёр Уринов. — Бундай эътиборга, бундай ғамхўрликка муно-

лаб топилаётган маблагнинг катта қисми фақат юрт ободлиги, халқ манфаати учун сарфланмоқда. Чунки Президентимиз ушбу корхонани барпо этишни орзу қилган чолларёқ, ўз олдига худди шундай мурод-мақсадларни қўйган эди. Ҳа, улғур орзу ушалиб, эзгу ниятларга йўл очилди. Бугун Шўртан газ-кимё мажмуаси келтирилган даромад ҳисобидан Қарши шаҳрида, Фузор туманида қатор маиший-маданий ин-

шоотлар бунёд этилди. Чунинчи, Нуристон шаҳарчасида қурилган, замонавий талабларга тўла жавоб берадиган болалар боғчаси ва мактаб, Қарши шаҳридаги спорт-соғломлаштириш маркази фикримизнинг яқоқ далилидир. Мажмуада ишчи-ҳодимлар, кам таъминланган оилаларга, болалар уйлари ва касалхоналарга хайрия ёрдамлари уюштириш ҳам кенг йўлга қўйилган. Қолаверса, юртимизда, жумладан, Қашқадарё вилоятида ўтказилаётган қатор маданий спорт тадбирларига «Шўртан» газ-кимё мажмуаси ҳомийлик қилмоқда. Мисол тариқасида шу йилнинг июль ойида Шаҳрисабз туманида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган Ёшлар тадбирини эслаш kifoya. Ушбу нуфузли, кенг кўламли тадбирда ана шу мажмуа жамоаси мезбонлик қилди.

Ишлаб чиқаришда «соф фойда» деган тушунча бор. Буни аниқ иқтисодчилар пулга чақиб, аниқ рақамларда кўрсатиб беришади. Лекин шундай «соф фойдалар» борки, уни на қий-матларда, на рақамларда ифодаб бўлади. Бу — ишонч, бу — ифтихор! «Шўртан» газ-кимё мажмуаси ўзининг илк фаолияти давридаёқ, худди шу бебаҳо бойлиқни яратди олди. Қаранг, қуп-қуруқ, яланғоч, олим бир дашт қўйида шундай бир санат корхонаси гурқираб ишлаб турса-я?! У ўзбекининг, Қашқадарё воқисининг довуғи дунёга баралла дoston қилса-я?! Аждодлар орзу-армони рўбёга чиққани шу эмасми? Ахир бу билан фахрланмай, гурурланмай буладими?! Кўз ўнгиде шу тахлит афсоналар ҳақиқатга, армонлар умидга айлиб тураркан, халқнинг қўси тоғдек кўтарилиб, эртага бундан-да улғувор орзулар амалга ошишига ишонмайдами? Албатта, ишонди! Худди шу ишонч бугунимизнинг, эртаимизнинг мустақам пойдеворидир.

— Ватан ва инсон манфаати сиёсатимизнинг устувор йўналиши эканлиги барчамизга маълум, — дейди Махид Рашидов. — Шундай экан, иш-

«Биз «Кенгори» кенгликларини қўйидаги мўъжизалар маконидан ишонч ва ифтихор тўйуларига тўлиб қайтарканмиз, газ қувурларида эшилиб-тўлганаятган алангаларга ана кўзимиз тушди. Бу оташзаминнинг бунёдкор халққа йўллаётган оташин таъзиими, оташин эҳтиромидир. Луқмон БҮРИЕВ.

Республика Кўчмас мулк биржаси Сурхондарё вилояти филиали

нарихлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига куйидаги мулклар куйилмоқда: 1. Вилоят хўжалик судининг 2006 йил 17 апрелдаги 19-0609-515-сонли ҳамда 2007 йил 14 августдаги 19-0704-3482-сонли ижро варақасига асосан, Сарюсиё тумани суд ижрочилири бўлими томонидан хатланган, «Хамрус» фермер хўжалигига тегишли хўжаликни парварши қилиш цехи К 1, бинонинг ҳажми — 15 552,0 кв.м., 1985 йилда қурилган. Бошланғич баҳоси — 45 915 177 сўм.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нарихлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига куйидаги мулклар куйилмоқда: 1. Андижон вилояти хўжалик судининг 2006 йил 1 августдаги 17-0602-4765-сонли ижро варақасига асосан, Асака шаҳар СИБ томонидан савдога қуйилган, Асака шаҳри, Шаҳрихон кўчаси, 49-«А» уйда жойлашган «Дўстлик ва Ко» савдо-ишлаб чиқариш фирмасига қарашли, умумий қурилиш майдони 951,83 кв.м. бўлган, А-литерли 13 хонадан иборат цех, А1-литерли 2-хонали қоровулхона, Б-литерли 5 хонадан иборат хизмат хонаси, Б1-литерли айвон, В-литерли 2 хонали ёрдамчи бино, В-литерли темир бостирма, темир дарвоза, 75 дона «СР» русумли механик қўлқоп тикиш дастгоҳи, 31 дона қўлқоп тикиш дастгоҳи, 2 дона оверлок дастгоҳи, 28 дона «MGF-F7 L/M» русумли автомат қўлқоп тикиш дастгоҳи, 3 дона «DCR-942» русумли оверлок, 20 дона «SMG F7» русумли автомат қўлқоп тикиш дастгоҳи. Бошланғич нархи — 383 611 501 сўм.

«INTEGRALASIA» 17" монитрли P4 компьютерлари. Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади. «Актив инвест» кредит иттифоқи кўмағида. Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/12, тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26.

РАСМИЙ ЭКСПОРТЧИ ДИЛЕР — «GRAND MOTORS» МЧЖ TOYOTA ва LEXUS русумли автомобилларни сотади ҳамда сервис хизмати кўрсатади. Кафолат: TOYOTA — 12 ой ёки йўл босиши 30 минг км.; LEXUS — 24 ой ёки йўл босиши 50 минг км. Тўлов шакли — турлича. Лизинг. Автосалон манзили: Тошкент ш., Боруний к., 2-уй. Тел./факс: 129-10-23 (24), моб. (+99897) 753-33-33. E-mail: grandmotorsuz@gmail.com

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Қимматли қўеозлар ва молия бозори бошқармаси ходими Қаримжон Тиллаевага отаси Маҳмуджон ТИЛЛАЕВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таззия изҳор этади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ўз жамоаси агентлигининг маркетинг ва мониторинг бўлими бошлиғи Зубайда Маматовага акаси Тўхтаниёз ВОҲИДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор қилади. Тошкент фармацевтика институтини жамоаси Фармацевтик кимё кафедраси профессори Гулнора Тиллаевага турмуш ўртоғи Маҳмуджон ТИЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдирлик изҳор этади. Тошкент давлат юридик институтини жамоаси Давлат ва ҳуқуқ тарихи кафедраси ўқитувчиси Баҳром Эшмуродовга отаси Нарғиза ЭШМУРОДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

17 сентябрь куни Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси футбол бўйича Осиё чемпионлари лигасининг дастлабки чорак финал учрашувини Техронда "Сайпа" жамоасига қарши ўтказди.

...Бортида "Бунёдкор" жамоаси футболчилари, бир гуруҳ ишқибозлар ва спорт журналистлари бўлган, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясига қарашли "Боинг - 757" замонавий ҳаво лайнери 15 сентябрь куни соат 18.30 да Техронга чартер рейсини амалга оширди. Бу шаҳарга икки соатдан кўпроқ муддат ичида етиб боришимиз эълон қилинган, ишқибозлар томонидан "Қалдирғочлар" дея эътироф этилаётган "Бунёдкор" жамоаси ёш аъзоси Саҳоб Жўраев билан суҳбатлашиб кетдик.



ҳолатда ҳам ҳимоячилар тўпни қайтаришди. Бирок учинчи ўриниши Вильянуэва муваффақиятли амалга оширди ва яқин масофадан рақиб дарвозасини ишғол қилди — 0:1. Орадан олти дақиқа ўтган, "Сайпа" тезкор гол билан жавоб қайтарди. Гол муаллифи — Имон Разоғирод. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас, Миржалол Қосимов шогирдлари яна ҳисобда олдинга ўтиб олдилар. Вильянуэва билан "девор" услубида ўйнаб, дарвозабон билан яккама-якка вазиятга чиқиб борган Ривалдо уни ҳеч бир қийинчиликсиз доғда қолдирди — 1:2. Учрашунинг биринчи бўлими тугашига 5 дақиқа қолганида эса мезбонлар жарима тўли телиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Раҳматийнинг ҳамаси 25 метрдан берган зарбаси Хайрулло Каримовга теккан ҳолда, Павел Бугало қўриқлаётган дарвоза тўрига бориб тушди — 2:2. Умуман олганда, Хайрулло Каримов учрашув давомида бир неча мартаба жарима майдончаси атрофида эронлик футболчиларни қўлоқлик билан тўхтатиб қолиб, "Бунёдкор" дарвозаси яқинида қўллаб-қувватлаб вазиятга содир этилишига сабабчи бўлди.

ЯРИМ ФИНАЛ МАСАЛАСИ ТОШКЕНТДА ҲАЛ БЎЛАДИ



— Жамоамизда кучли футболчилар жамланган, — дейди Саҳоб. — Албатта, улар билан тенгма-тенг тўп суришининг ўзи бўлмайди. Шундай доғдор футболчилар билан жамоадор бўлишининг ўзи катта бахт. Умид қиламанки, Осиё чемпионлари лигасининг дастлабки чорак финал учрашувидан ижобий натижани қайд эта-миз. Айниқса, сафимизда бразилиялик жаҳон чемпиони ва Европанинг энг яхши ўйинчиси бўлган Ривалдодек маҳорат соҳибининг борлиги бизга катта куч ва имконият беради. Техрондаги энг замонавий "Истиқлол" меҳмонхонасига жойлашдик. Қувонарлики, Эрон матбуотида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, спорт соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида туркум мақолалар чоп этила-рининг гувоҳи бўлдик. Аксарият га-

зеталарнинг биринчи саҳифасида Ривалдо ва "Бунёдкор" жамоаси футболчиларининг сурати босилган эди. 16 сентябрь куни шаҳардаги "Олимпик" меҳмонхонасида Осиё футбол конфедерацияси вакиллари, ҳар иккала жамоа мураббийлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани уюштирилди. Эслатиб ўтамиз, "Сайпа" (дарвоқе, жамоага автомобиль ишлаб чиқарадиган "Сайпа" ширкати ҳомилик қиларкан) Эрон миллий чемпионати-нинг олти тур учрашувидан сўнг 18 жамоа орасида 13-ўринни банд этиб турибди. "Сайпа"нинг беш нафар футболчиси Эрон миллий терма жамоаси аъзоси ҳисобланади. Кейинчалик маълум бўлишича, жамоа ҳозир бор эътиборини Осиё чемпионлари лигаси ўйинларига қаратаётгани учун ҳам миллий чемпионатдаги кўрсаткичлари кўнглидагидек эмас. Хабарингиз бор, яқин-яқингача "Сайпа"да Эрон футбол юдзузи Али Дайи бош мураббий эди. У бир неча ой муқаддам Эрон миллий терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланди. Унинг ўрнини германиялик мутахассис Пьер Литтбарски эгаллади. П. Литтбарски "Бунёдкор"

кучли жамоа эканини ва, ўз навбатида, шогирдлари ҳам ўйинга яхши тайёргарлик кўрганини таъкидлади. Миржалол Қосимов журналистлар саволига жавоб қайтараркан, Осиё чемпионлари лигаси чорак финалига йўл олган жамоаларнинг ҳеч бири кучсиз эмаслигини айтиб ўтди. Лекин

тон ҳақида жуда яхши маълумотга эга эканлар. Ўзбекистонлик эканлигимизни билишга, Артур Таймазов, Абдулла Тангриев, Ривалдо ҳақида сўрашди. Шунда Президентимизнинг "Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди", деган сўзлари исботига шу ерда яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Тошкент вақти билан кен соат 21.45 да "Сайпа" — "Бунёдкор" жамоалари ўйини бошлади. Шу кун "Бунёдкор" Техрондан галаба билан қайтиши мумкин эди. Бирок вакилларимиз икки марта ҳисобда олдинда бораётиб, ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборишди. Жамоаларни "Озоди" стадионида 40 минг нафардан ортиқ ишқибоз қўллаб-қувватлаб турди. Улар орасида "Бунёдкор"нинг юз нафардан зиёд ашаддий мухлислари ҳам бор эди. Томонлар биринчи бўлимда шиддатли ўйин намойиш этишгани сабабли, дарвозаларга 4 та гол киритилди. Дастлабки гол 12-дақиқада қайд этилди. Сервер Жепаров тўпни дарвозанинг яқин бурчага йўналтирди. Аввал Жасур Ҳасанов боши билан зарба берди, кейин Луизао ҳам ўз омадини бош билан берилган зарба орқали синаб қўрди. Хар иккала

Футбол

шогирдлари Тошкентга, албатта, очкосиз қайтмаслигини алоҳида уқтирди. Куннинг иккинчи ярмида "Бунёдкор" жамоаси Техрондаги машҳур, қарийб 110 минг ишқибозни ўз бағрига сиғдирга оладиган "Озоди" стадионида ўқув-йўлнинг машҳулларини ўтказди. 17 сентябрь куни Техроннинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Таржимон Ҳасан Насири қади-мий ва замонавий шаҳарсозлик услублари уйғунлашиб кетган осмон-ўпар бинолар, кўна иншоотлар, гавжум бозорлар билан таништирдик. Аҳамиятлиси, қаерда бўлмайлик, Эрон фуқаролари бизга жуда илқ муносабат билдиришди. Бизни хурсанд қилган томони, улар мустақил Ўзбекис-

Ташаббус, асосан, "Сайпа" футболчиларида бўлган бўлса, "қалдирғочлар" қарши ҳужум тактикаси бўйича ҳаракат қилдилар. Учрашувда фаоллик кўрсатган футболчилардан бири — Вильянуэва қўлай вазиятларнинг бирида дарвоза устунини нишонлаб олди. Натижада учрашув жанговар дуранг билан якулланди. Энди ярим финал масаласи 24 сентябрь куни Тошкентдаги МХСК стадионида ўтказиладиган жавоб учрашувидан ҳал бўлади. Умид қила-мизки, "қалдирғочлар" ана шу беллашувда ўзининг чиройли ва энг муҳими, голибона ўйинлари билан миллионлаб футбол ишқибозларини хушнуд этдилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Тошкент — Техрон — Тошкент

Фарзанди камолоти ҳақида қайғуриш, унинг маънавияти юксак, ориф инсон бўлиб етишини йўлида бор куч-ғайратини сафарбар этиш — халқимизга хос ғазилат. Шу боис ўқитувчилик юртимизда азалдан энг шарафли касб сифатида эъзозланади.

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ТОПГАН КАСБ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида ўсиб келаётган ёш авлод камолоти, истиқбол йўлида ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сийбосининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, таълим-тарбия соҳасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширишда катта омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббус билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Таълим тарбия"ни Қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури ёш авлодга таълим-тарбия бериш тизимини жаҳон андозлари даражасида ислох этиш имконини бермоқда. Ушбу ҳужжатларга қўра, юртимизнинг барча гушларидан замонавий билим маканлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари барпо этилиб, улар энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси билан таъминланмоқда. Айни пайтда мактабларни ўқув адабиётлари, фан кабинетларини қўргазмалли воситалари, турли қўлланмалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдори бир неча бор кўтарилди. Бошланғич синфлар ўқувчиларига ойлик устамалар, ўқувчиларга синф раҳбарлиги, дафтар текширгачлик, ўқув кабинетлари ва лаборатория мудирлиги учун қўшимча ҳақлар белгиланди. Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ, ўқувчилар учун педагогик оқ-лаамалар мақбуллаштирилди. Бундай эътибор ва ғамхўрликнинг барчасини ҳар бир ўқувчи ўзининг кундалик меҳнат фаложини давомиди астойдил ҳис этиб турибди. Умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган ҳодимларнинг директор жағмармасининг ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди. Ўқувчиларнинг тарбиявий ва синдрал ташқир ишларни ба-жарганилик, касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ ҳис-сасини юқори натижалар ва таълим сифати эътиборига олинган ҳолда моддий рағбатлантириш имконини беради. Мазкур жағмарма маблағларини тасарруф этиш ҳар бир мактабда унинг раҳбари бошчилигида педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этилган махсус комиссия томонидан амалга оширилоқда. Мактаб таълимига қаратилаётган эътибор, ўқувчилик касбини эъзозлаш борасидаги эзгу ишлар бизнинг мактабимизда ҳам ўзининг амалдаги ифода-сини топмоқда. Мактабимизда етти юз эллик нафар ўқувчи билан олади. Қирқ беш кишидан иборат педагогик жамоамизда ёш авлоднинг пухта билими, соғлом тафаккур, юксак маънавият соҳиб бўлиб вояга ети-шига алоҳида эътибор қарати-лмоқда. Утилаётган дарс-машғулот-лари жараёнига илгор педагог-ик технологияларни жорий этиш, ёшларга билим баробарида мукамал тарбия бериш, уларни юрт тақдири учун дахлдор, фидойи инсонлар бўлиб во-яга етказиш масалалари ўқувчиларнинг диққат марка-зиддир. Келажагимиз эгаси бўлган фарзандларимизга муносиб билим ва тарбия беришдек масъулиятли вазифани адо этишда давлатимиз раҳбари биз, ўқувчиларга қўрсатаётган бундай ғамхўрликлардан беҳад мамнунмиз. **Мавзура ЗОКИРОВА,** Тошкент шаҳридаги 192-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси. (ЎзА)



ОЛТИН МЕДАЛЛАР ҲАМЮРТЛАРИМИЗДА

(Давоми. Боши 1-бетда). Тошкент шаҳри мезбонлик қилаётган бу галги ёшлар ва фахрийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дунёнинг 53 давлатидан 500 нафардан зиёд спортчи катнашапти. Унда иштирокчилар тазквонднинг яқкалик ва жамоавий масоғи, тил, махсус техника ва предметларни синдириш каби баҳсларида бадаллашмоқда. Мусобақаларнинг адолатли ўтиши учун жаҳоннинг юрдак ортиқ тажрибали ҳакамлари жалб этилган. Чемпионатнинг дастлабки кунда тазквондчилар яқкалик ва жамоавий тил баҳсларида ўз имкониятларини синаб қуришди. Унда ёш спортчимиз Фарход Рустамовнинг хатти-ҳаракатлари муҳлису мутахассисларнинг олқишига сазовор бўлди ва у олтин медаль билан тақдирланди.

илк бор қатнашиб, голиб бўлганимизда жуда хурсандман. Эришган галабамни биз, ёшларга яратилаётган имкониятлар махсусли, деб биламан. Ўз навбатида, устозим Фахриддин Умаров ва мени қўллаб-қувватлаб турган мухлислардан миннатдорман, — деди Фарход Рустамов. Шогирдининг галабасидан руҳланган Фахриддин Умаров ҳам бўш келмади. Фахрийлар ўртасида у олтин медаль соҳиб бўлди. Яна бир фахрий спортчимиз Ўбайдулла Муқар-мов эса мусобақа шохсупасининг юқори поғонасидан жой олди. Шунингдек, фахрий аёллар баҳсларида ҳам юртдошларимиздан Луиза Сағатова, Евгения Лим ва Ўзбекистон терма жамоаси олтин медаллар билан тақдирланди.

Фазлиддин АБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИЛИК // **ТРАНСАЭРО**
ТРАНСАЭРО. АВИАКОМПАНИЯСИ
ТОШКЕНТ ВА БУХОРО, ДАНИЙТИНГ
ТРАВИНГ ТАРИФЛАРИ БУНИНГА МУНГАЗАМ
РАВИНГА КҮНИДАГИ ДАВАТЛАРГА
ПАРВОЗ КИЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.
**GERMANY, AVSTRIYA,
BYUK BRITANIYA, FRANCIYA,
LYUKSEMBURG, ISROIIL, KIPR.**
555* ЕВРО ВА УНДАН ЮҚОРИ
(ИККИ ТОМОНГА)
НАРХ ВИНГАЛАРИН КҮРСАТИЛГАН. ДОҒЛАР ЧЕГАРЛАНГАН.
ДИҚҚАТ! Янги телефонлар:
227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.
Аккредитация сертификати № 210.
www.itransaero.ru

Бир лаҳзали SMSлар
SMS-Лаҳза хизмати
SMS-Лаҳза — хабар матни бирон лаҳзада SMS қабул қилувчи абонентлар телефонлари экранидан пайдо бўлади.
SMS-Лаҳза «SMS-Экстра» хизматининг сервислар рўйхатига кирди.
«SMS-Экстра» хизматлари *147# 1 портал орқали бошқарилади.
МТС алоқа оператори
Хизматлар лицензияланган.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) таклиф этади.
МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
(Минск шаҳридаги собик «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизда) техникалари ва махсус техникаларни таклиф этади.
Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.
«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КҮРСАТИЛАДИ.
Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенашин, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенашин ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229, Буюртма Г — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Т-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ТСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосоров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳах — Ҳ. Топхўжаев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Тошпирилди — 23.55 1 2 3 4 5 6 7